

№ _____ -сонли ШАРТНОМА
тўловларни қабул қилиш хизматларини кўрсатиш бўйича

Тошкент ш.

2015 й. « _____ » _____

Қуйида «**БАНК**», деб номланувчи _____ номидан _____ асосида иш юритувчи _____, бир томондан, ва қуйида деб «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» номланувчи _____ номидан _____ асосида _____ иш юритувчи _____, иккинчи томондан, биргаликда Томонлар, алоҳида эса Томон деб номланган ҳолда, қуйидагилар тўғрисида мазкур Шартномани туздилар.

1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР	
1.1. SLICK ТИЗИМИ	Жисмоний шахс бўлган Банк мижозларига телекоммуникация воситаларидан фойдаланиб, товарлар, ишлар ва хизматларга ҳақ тўлаш мақсадида ўз банк ҳисобварағини бошқариш учун Банкка электрон топшириқномалар бериш имконини берувчи ҳамда товарлар, ишлар ва хизматлар Етказиб берувчисига товарлар, ишлар ва хизматларнинг ҳақини тўлаш бўйича унга келиб тушган тўловларнинг ҳисобини юритиш имконини берувчи аппарат-дастурий мажмуасидир.
1.2. Лицензия шартномаси	БАНК ва SLICK ТИЗИМИНИНГ фавқулодда ҳуқуқлари эгаси ўртасида 21.12.2012 йилда тузилган №3-LD сонли лицензия шартномаси, ундаги асосий шартларга кўра SLICK ТИЗИМИНИНГ ҳуқуқлари эгаси БАНККА SLICK ТИЗИМИДАН фойдаланиш ҳуқуқини беради.
1.3. SLICK ТИЗИМИНИНГ ҳуқуқлари эгаси	“ SLICK ” масъулияти чекланган жамияти (“ SLICK ” МЧЖ) – SLICK ТИЗИМИНИНГ ҳуқуқлари эгаси, қонун ёки шартномага асосан олинган SLICK ТИЗИМИГА бўлган фавқулодда мулкый ҳуқуқларига эга бўлади.
1.4. БАНК процессинг тизими (АБТ)	БАНКНИНГ автоматлаштирилган банк тизими, унинг ёрдамида барча банк пул ўтказмалари амалга оширилади.
1.5. SLICK ТИЗИМИНИНГ “Merchant” модули (“Merchant” модули)	SLICK ТИЗИМИНИНГ дастурий ва аппарат воситаларининг мажмуаси, у ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА Фойдаланувчининг ҳисобварағидан ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ ҳисобварағига маблағлар ўтказилиши ҳақидаги Фойдаланувчининг электрон топшириқномаси БАНК томондан қабул қилинганлиги тўғрисида маълумотни электрон шаклда реал вақт режимида олишга имкон беради.
1.6. Инфратузилма	SLICK ТИЗИМИГА уланган БАНК муассасалари ва чакана электрон тўловлар тизимларининг мажмуаси, у SLICK ТИЗИМИГА уланган БАНК Мижозларининг нақдсиз пул маблағларини ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ фойдасига ўтказишни амалга оширади.
1.7. Фойдаланувчи	Ўзбекистон Республикаси тижорат банкининг ва/ёки банкларининг мижози бўлган, бир ёки бир нечта бундай банкларда бир ёки бир нечта ҳисобварақларга эга бўлган жисмоний шахс, шунингдек пластик картанинг исталган сақловчиси, жисмоний шахс, картанинг эгаси ёки эгаси томонидан ваколатланган, карта эгасининг эмитент билан ёки банк карталарини тарқатувчи банк билан шартномасининг асосида банк пластик картасидан фойдаланувчи, ва Картани тўлов воситаси сифатида тақдим этадиган шахс.
1.8. Участник	SLICK ТИЗИМИДА рўйхатдан ўтказилган Фойдаланувчи(лар), БАНК , SLICK ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ЭГАСИ , ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ .

1.9. Биллинг (ҳисоб тизими)	Абонентларга ва/ёки мижозларга ва/ёки истеъмолчиларга тақдим этилган товарлар/хизматлар/ишларнинг ҳисобини юритиш, уларнинг тарификацияси, тўлаш учун ҳисобларни бериш ва келиб тушган тўловларни ҳисобга киритиш учун мўлжалланган ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ дастурий мажмуаси.
1.10. Абонентлик шартномаси	ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ва ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ хизматларидан фойдаланувчи Абонент ўртасида тузилган хизматларни кўрсатиш Шартномаси.
1.11. Тўлов	Фойдаланувчи томонидан ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА хизматлари/товарлари эвазига Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланадиган пул маблағлари. Тўлов электрон тўлов ҳужжатлари орқали CLICK ТИЗИМИДАН фойдаланиб амалга оширилади.
1.12. Ҳисобот даври	1 (бир) тақвим ойи, ойнинг биринчи кунидан ойнинг охиригача.
1.13. Фрод	БАНК ходимларининг ёки ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ ва/ёки учинчи шахсларнинг БАНК тақдим этадиган хизматлардан белгиланган қоидалар ва амаллар бузилган ҳолда, тегишли тўловсиз фойдаланишга олиб келадиган, ва БАНКНИНГ , ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ ёки Фойдаланувчининг молиявий йўқотишларига олиб келадиган қасддан ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги.
1.14. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ Веб-сайт(лар)и	(Мулк ҳуқуқи, домен номларини рўйхатдан ўтказиш шартномалари, фойдаланиш ёки ижара шартномалари ёки бошқа тегишли шартномалар асосида) унга(уларга) эгаллик қилиш ҳуқуқлари ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА тегишли бўлган ва/ёки унинг номига рўйхатдан ўтказилган ихтисослашган веб-сайт(лар). Ушбу сайт(лар) жойлаштирилган бўлиб, ташриф буюрувчиларга ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ товарларини/хизматларини сотиб олиш имкониятини беради.
1.15. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ Веб-сайтнинг қўшимча функциялари	ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ Веб-сайтнинг қўшимча функционал (дастурий) имкониятлари (ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ бошқа мижозларига/хизматлари истеъмолчиларига график тасвирларни («совғалар») юбориш, ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ Веб-сайтнинг Иловалари таркибига кирувчи маълум ўйинларда иштирок этиш ёки уларда қўшимча элементлардан фойдаланиш, ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ Веб-сайтнинг ўйин, иловалар, график тасвирлар, мусиқа ва видео материалларининг ахборот базасига кириш имконияти ва бошқа шунга ўхшаш қўшимча имкониятлар), ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ мижозларига/хизматлари истеъмолчиларига улардан фойдаланиш ҳуқуқи эса миқдори ва киритиш шартлари Битимда ва ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ Веб-сайтнинг тегишли бўлимларида белгиланиши лозим бўлган тўлов эвазига берилади.

2. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

2.1. Ушбу Шартнома бўйича **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** топшириш ва ҳақини тўлаш, **БАНК** эса, **CLICK ТИЗИМИДАН** ва ўз Инфратузилмасидан фойдаланиб, **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** фойдасига Фойдаланувчилардан **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** хизматлари/товарлари/ишлари учун тўловларни қабул қилиш ва тегишли пул маблағларини **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** ҳисобварағига ўтказишга оид хизматларни кўрсатиш мажбуриятларини зиммасига олади.

3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 3.1. Ушбу Шартнома бўйича **БАНК** қуйидаги хизматларни тақдим этади:
- ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИ** SLICK ТИЗИМИГА улаш;
 - Фойдаланувчиларга келиб тушадиган пул маблағларини **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** ҳисобварағига киритиш;
 - БАНК** томонидан Фойдаланувчи(лар)нинг ҳисобварағидан **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** ҳисобварағига пул ўтказиш тўғрисидаги Фойдаланувчи(лар)нинг топшириқлари бажарилиши ҳақида ҳаққоний ахборотнинг берилиши.
- 3.2. **БАНК** ушбу шартнома бўйича шартларнинг бажарилиши учун барча керакли рухсат берувчи ҳужжатларга ва ушбу Шартноманинг шартларига мувофиқ хизмат кўрсатиш учун ҳуқуқларга эга эканлигини кафолатлайди.
- 3.3. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** товарлар/хизматлар/ишларни сотиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилиги билан талаб этиладиган барча керакли рухсат берувчи ҳужжатларга эга эканлигини кафолатлайди.
- 3.4. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** хизматлари унинг веб-сайт(лар)и орқали тақдим этилиши мумкинлиги сабабли, Фойдаланувчи бўлган **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** мижози/хизматларининг истеъмолчиси ўз мобил телефонига ва/ёки e-mail га ахборот олиш орқали **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** веб-сайт(лар)ининг қўшимча функцияларига кириш имкониятига эга бўлиши мумкин. Бунда ушбу ахборот Фойдаланувчига SLICK ТИЗИМИ томонидан, **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** топшириғига биноан юборилади, **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** эса **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** мижози/хизматларининг истеъмолчиси **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** ушбу қўшимча функцияларига кириш имкониятининг қоидалари (Битими) билан таништирилганлигини ва уларга рози бўлишини кафолатлайди. Ушбу битимнинг матни **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** веб-сайтининг тегишли бўлимида жойлаштирилиши лозим.
- 3.5. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** уларга кириш имконияти **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** мижозларига/хизматларининг истеъмолчиларига ва/ёки SLICK ТИЗИМИНИНГ бошқа Иштирокчиларига **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** веб-сайтининг қўшимча функциялари хизматларининг доирасида берилиши мумкин бўлган ҳар қандай ақлий мулк объектлари учинчи шахсларнинг талабларидан озод эканлигини ва/ёки **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** уларнинг қонуний эгаси/ҳуқуқлари эгаси эканлигини кафолатлайди.
- 3.6. Ўтказилаётган Тўловлар тўғрисида ахборот электрон шаклда (реал вақт режимида), Томонлар келишиб олган форматларда ва Томонлар келишиб олган тармоқлар ва алоқа воситалари ёрдамида, ушбу Шартномага 1-Иловада келтирилган Техник ўзаро муносабат тартибига мувофиқ узатилади.
- 3.7. Тўлов Фойдаланувчининг номидан ва унинг топшириғига биноан **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** фойдасига, SLICK ТИЗИМИ томонидан электрон тўлов ҳужжатини шакллантириш ёрдамида амалга оширилади, унинг асосида **БАНК** Фойдаланувчининг ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқаради.
- 3.8. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** хизматлари/товарлари/ишлари учун Тўловни амалга оширишда, **БАНК** томонидан маблағларни муваффақиятли ҳисобдан чиқаришдан кейин, SLICK ТИЗИМИ **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** ахборотни юборади, у эса ўз навбатида Фойдаланувчидан **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИ** хизматлари/товарлари/ишлари ҳақини қабул қилади ва мос ҳолда Фойдаланувчига хизмат/товар/ишни кўрсатади/топширади/бажаради.
- 3.9. Тўлов амалга оширилганидан кейин ва **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИДАН** ва/ёки унинг Биллинг ҳисоб тизимидан Тўлов муваффақиятли ўтгани ҳақида тасдиқлаш олинганидан кейин, Фойдаланувчи муваффақиятли ўтказилган Тўлов ҳақида ахборотни олади.
- 3.10. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИДА** Биллинг ҳисоб тизими бўлган ҳолда, **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** ўз Биллинг ҳисоб тизимида Абонентларнинг Шахсий ҳисобварақларида SLICK ТИЗИМИ томонидан узатилган, Тўлов олувчисини идентификация қилишга имкон берувчи ахборот асосида SLICK ТИЗИМИ ўтказган Тўловларни акс эттиради.
- 3.11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қоидаларига кўра, SLICK ТИЗИМИ **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** фойдасига фақат Фойдаланувчилардан **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** хизматлари/товарлари/ишлари учун тўлов сифатида тушган маблағларни қабул қилади. Томонлар қолган барча пул маблағларини хатолик билан тушган деб ҳисоблашга келишиб олдилар.
- 3.12. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** транзит ҳисобварағига хатолик билан тушган пул маблағларини **БАНК** Инфратузилмаси SLICK ТИЗИМИ ва **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** билан бирга тегишли Фойдаланувчининг банк ҳисобварағига қайтаради.
- Бунда хатолик билан тушган пул маблағлари **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ**, SLICK ТИЗИМИНИНГ ва **БАНК** Инфратузилмасининг солиштириш ҳисоботларини таққослаш йўли билан аниқланиши лозим.
- 3.13. Ўз хизматларини ривожлантиришда бир-бирига ёрдам кўрсатиш мақсадида Томонлар, жумладан ўз веб-сайтларида ва/ёки ўз Абонентлари/Фойдаланувчиларининг Шахсий кабинетларида тегишли товар

белгилари, фирма номлари, логотиплар ва бошқа корпоратив рамзларнинг тасвирларини жойлаштириш орқали Томонлардан ҳар бирига кўрсатиладиган хизматлар ҳақида хабардор қилиш юзасидан икки томонлама мажбуриятларни зиммасига олади. Бунда Томонлар ушбу кўрсатилган аклий мулк объектларини учинчи шахсларга тақдим этмаслигига келишиб оладилар.

3.14. Ушбу Шартнома имзоланишидан кейин ва Томонларнинг телекоммуникациявий воситаларининг интеграцияси бўйича барча зарурий техник ишлар бажарилганидан кейин Томонларда ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар юзага келади.

4. БАНКНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. БАНКнинг мажбуриятлари:

4.1.1. Ушбу Шартноманинг 6.1.-бандига мувофиқ **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** SLICK ТИЗИМИ томонидан улар ҳақида ахборот берилган барча тўловлар бўйича **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** билан солиштиришни ўтказиш.

4.1.2. **БАНК** ваколатлари тўхтатилган (тўхтатиб турилган) ҳолда, шунингдек рухсат берувчи ҳужжатларининг амал қилиш муддати тугаганда, **БАНК** Шартнома бўйича хизмат кўрсатишни тўхтатиши (тўхтатиб туриши) ва ушбу ҳолат ҳақида Фойдаланувчиларга ва **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** билдириши шарт.

4.1.3. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** Фойдаланувчининг ҳисобварағидан **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** ҳисобварағига электрон шаклда реал вақт режимида пул маблағларини ўтказиш тўғрисида Фойдаланувчининг электрон топшириқномасини **БАНК** қабул қилганлиги тўғрисида ахборотни олишнинг техник имкониятини таъминлаш.

4.1.4. Ушбу Шартноманинг 3-иловасида кўрсатилган шакл бўйича Техник тайёрлиги далолатномаси имзоланишидан кейин, шунингдек ушбу Шартноманинг 4-иловасига биноан Аризага мувофиқ **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** 4.1.3-бандида кўрсатилган SLICK ТИЗИМИНИНГ ахборот ва технологик ресурсларига ("Merchant" модули) кириш имкониятини бериш.

Бунда, **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** "Merchant" Модулига кириш имкониятини бериш пайтида **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИ** SLICK ТИЗИМИГА улаш ва, зарур бўлганда, унга ТИЗИМНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ЭГАСИ томонидан тегишли Модулга кириш учун шахсий идентификация маълумотлари берилиши амалга оширилади.

"Merchant" Модулига кириш имкониятини бериш пайтида шунингдек **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** веб-сайтида интерактив тугма (гиперҳавола) шаклида ТИЗИМНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ЭГАСИ логотипи жойлаштирилиши мумкин, у билан бирга **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** ТИЗИМНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ЭГАСИ томонидан махфий калит (secret key) берилиши мумкин. Ушбу махфий калит ёрдамида **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** Тўловларни амалга ошириш сўровларини шакллантиришда, ҳисобларни юборишда ва/ёки бошқа операцияларда SLICK ТИЗИМИ билан ўзаро ҳаракатларни амалга оширади.

4.1.5. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** Фойдаланувчилар SLICK ТИЗИМИДА амалга оширган тўловлар тўғрисида тўлиқ ва ҳаққоний ахборотни ўз вақтида тақдим этиш. **БАНК** юборган, **БАНКНИНГ** ходими тасдиқлаган ва ҳаққоний ёки тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** зарар етказилган ҳолда, **БАНК** ушбу зарарни қоплаб бериши шарт.

4.1.6. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** юборилган, **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** томонидан SLICK ТИЗИМИ орқали ушбу Шартнома доирасида қабул қилинган тўловларга тегишли бўлмаган SLICK ТИЗИМИНИНГ иштирокчилари ва/ёки учинчи шахсларнинг талаблари, эътирозлари ва даъволарини тартибга солишда кўмаклашиш.

4.1.7. Тўловларни тасдиқловчи электрон ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ муддатлар давомида саклаш. Бунда **БАНК ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИДАН** ариза олинганидан бошлаб бир иш куни ичида унга **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** товарлари/хизматлари/ишлари ҳақини тўлашга оид керакли электрон тўлов ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

4.1.8. Ўз масъулият зонаси доирасида SLICK ТИЗИМИНИНГ ишлаши учун ва ҳужжатлар айланиши учун масъул шахсни ва унинг ўрнини босувчи шахсни тайинлаш (қуйида масъул ходим).

4.1.9. Фойдаланувчилардан қабул қилинган пул маблағлари **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** ҳисобварағига Тўлов амалга оширилган пайтидан кечи билан 5 (беш) банк куни ичида ўтказилишини таъминлаш.

Бунда, **БАНК** ушбу Фойдаланувчининг ҳисобварақ(лар)и хатланган ёки қонунчилик билан белгиланган суд ёки бошқа ваколатли органнинг қарорига боғлиқ ҳолда ушбу ҳисобварақ(лар)дан фойдаланиш бошқа ҳар қандай тарзда чекланган ҳолларда Фойдаланувчининг Тўловларини ўтказиш юзасидан ўз мажбуриятини бажармаслик ёки ўз вақтида бажармаслик учун жавобгар бўлмайди.

4.1.10. Ушбу Шартнома бўйича **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** билан, шунингдек умуман SLICK ТИЗИМИ билан ўз масъулият зонаси доирасида ахборот алмашишда ишлатилаётган жиҳоз-ускуналарининг ахборот хавфсизлигини ва ишлаш қобилиятини таъминлаш, ва SLICK ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ЭГАСИ билан биргаликда **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** SLICK ТИЗИМИДАН ва/ёки унинг тегишли модулларидан фойдаланиш масалалари бўйича маслаҳат ва ахборот ёрдамини кўрсатиш.

4.1.11. Ушбу Шартноманинг 4.1.2., 4.2.1., 4.2.8., 4.2.9., 5.2.4, 5.2.5.-бандларида кўрсатилган ҳолатларда, шунингдек 8.1.(2) – 8.3.-бандларда кўрсатилган исталган асосларга кўра ушбу Шартнома бекор қилинган ҳолда, **БАНК ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИДАН** тегишли ёзма хабарнома олинган ва/ёки Шартноманинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтидан бошлаб 24 соат ичида барча қолган Иштирокчиларга билдириш мажбуриятини зиммасига олади.

4.1.12. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** ўз томонидан тегишлича расмийлаштирилган ҳужжатларни – Бажарилган ишлар далолатномалари ва ҳисоб-фактураларни ушбу Шартноманинг 6-бўлимида белгиланган тартиб ва муддатларга мувофиқ тарзда, қоғоз ташувчиларда ўз вақтида тақдим этиш.

4.2. БАНКНИНГ ҳуқуқлари:

4.2.1. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тегишлича бажармаслиги ва/ёки **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** камида 1 (бир) иш куни аввал ёзма огоҳлантирилган ҳолда **БАНКНИНГ** техник хизмати томонидан, ва/ёки **СЛІСК ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ЭГАСИ** мутахассислари билан биргаликда профилактика ишлари ўтказилиши ҳолатларида **СЛІСК ТИЗИМИНИНГ** тегишли модулларига кириш имкониятини чеклаш ва тўхтатиб туриш.

4.2.2. Хизматларни тақдим этиш жараёнини такомиллаштириш.

4.2.3. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИДАН** ушбу Шартноманинг мазмунига тегишли масалалар бўйича маслаҳатлар ва тавсияларни олиш.

4.2.4. **СЛІСК ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ЭГАСИ** билан келишилган ҳолда, **СЛІСК ТИЗИМИНИНГ** кўшимча афзалликларини яратиш ва сифатини ошириш мақсадида хизматларнинг ҳар хил янги турларини жорий қилиш.

4.2.5. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** учун кўшимча истеъмолчилар доирасини жалб қилиш мақсадида Тизимнинг эҳтимолий Фойдаланувчилари ўртасида ахборотни тарқатиш.

4.2.6. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** ушбу Шартноманинг доирасида товарларни/хизматларни/ишларни сотиш/кўрсатиш/бажариш ҳуқуқини тасдиқловчи рухсат берувчи ҳужжатларнинг нусхаларини, шунингдек **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** веб-сайт(лар)ига зарур бўлган мулкый ҳуқуқларга **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИДАН** сўраб олиш.

4.2.7. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИДАН** ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини ва ушбу Шартноманинг шартларини бажаришни талаб қилиш.

4.2.8. Унда молиявий, ахборот ва техникавий масалалар бўйича низоли вазиятлар юзага келган ҳолда, шунингдек **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** томонидан ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлари бузилган ҳолда ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туриш. **БАНК ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** тахмин қилинган тўхтатиб туриш санасидан 1 (бир) иш кунидан кеч бўлмаган муддатда ёзма хабарномани юбориб, ушбу Шартномада ўз иштирок этишини тўхтатиб туриши мумкин.

4.2.9. Фрод аниқланган ҳолда, бошқа Томонни аввалдан ёзма хабардор қилмаган ҳолда, юзага келган вазият тартибга солинганча ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туриш.

5. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ мажбуриятлари:

5.1.1. **БАНККА** ушбу Шартноманинг 7-бўлимига мувофиқ ҳақ тўлаш.

5.1.2. Қабул қилинган Тўловлар тўғрисида ахборотни қабул қилиш, ва агар мумкин бўлса, ўз Биллинг ҳисоб тизимида Абонентларнинг шахсий ҳисобварақларида акс эттириш.

5.1.3. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** **СЛІСК ТИЗИМИ** томонидан улар ҳақида ахборот берилган, **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** фойдасига қабул қилинган барча тўловлар бўйича **БАНК** билан солиштиришни ўтказиш.

5.1.4. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** томонидан **СЛІСК ТИЗИМИДА** рўйхатдан ўтишда кўрсатиладиган маълумотларнинг тўлиқлигини ва ҳаққонийлигини, шунингдек **СЛІСК ТИЗИМИНИНГ** имкониятларидан фойдаланишда амалдаги қонунчиликка риоя қилишни таъминлаш .

5.1.5. Ўз веб-сайтларида ва/ёки бошқа ахборот ёки реклама материалларида **СЛІСК ТИЗИМИ** тўғрисида хабарни эълон қилишда кўрсатиладиган маълумотларнинг тўлиқлигини ва ҳаққонийлигини таъминлаш.

5.1.6. Ушбу Шартнома бўйича **БАНК** билан ахборот алмашишда ишлатилаётган жихоз-ускуналарининг ахборот хавфсизлигини ва ишлаш қобилиятини таъминлаш.

5.1.7. **СЛІСК ТИЗИМИНИНГ** тегишли Модулига кириш учун шахсий идентификация маълумотларидан фақат **СЛІСК ТИЗИМИДА** ўз ишлаши учун фойдаланиш ва уларни бошқа шахсларга бермаслик.

5.1.8. Махфий калитдан (secret key) фақат **СЛІСК ТИЗИМИДА** ўз ишлаши учун, Тўловларни амалга ошириш ва/ёки бошқа операциялар сўровларини шакллантириш (Фойдаланувчиларга ҳисобларни юбориш ва бошқа операциялар) мақсадида фойдаланиш ва уни бошқа шахсларга бермаслик.

5.1.9. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** ушбу Шартноманинг 3.4.-бандига мувофиқ ўз веб-сайтнинг кўшимча функцияларидан фойдаланиш учун ахборот узатиш йўли билан ўз веб-сайти орқали ўз мижозларига/истеъмолчиларига хизматларни тақдим этишда, **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** ва/ёки унинг Ҳисоб тизими томонидан **CLICK ТИЗИМИГА** юбориладиган электрон маълумотларини тўғри ва тўлиқ шакллантиришни таъминлаш мажбуриятини зиммасига олади.

5.1.10. Ўз масъулият зонаси доирасида **CLICK ТИЗИМИНИНГ** ишлаши учун ва хужжатлар айланиши учун масъул шахсни ва унинг ўрнини босувчи шахсни тайинлаш (қуйида масъул ходим).

5.1.11. Бундай талаблар, эътирозлар ва даъволар **БАНККА** ёки **ТИЗИМНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ЭГАСИГА** боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** веб-сайт(лар)и ишлашида узилишларнинг оқибати бўлган ҳолда, **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** веб-сайт(лар)ининг фойдаланувчилари, унинг мижозлари, унинг товарлари/хизматлари/ишларининг истеъмолчилари бўлган ёки **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** билан **CLICK ТИЗИМИ** орқали тўловларни амалга ошириш доирасида бошқача тарзда боғлиқ бўлган **CLICK ТИЗИМИ** иштирокчиларининг ва/ёки учинчи шахсларнинг ҳар қандай талаблари, эътирозлари ва даъволаридан **БАНКНИ** ҳимоя қилиш. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** бундай масалаларни мустақил тартибга солиш мажбуриятини зиммасига олади.

5.2. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** ҳуқуқлари:

5.2.1. **БАНККА** Томонларнинг биргаликдаги ўзаро ҳаракатларини оптималлаштиришни таклиф қилиш.

5.2.2. **CLICK ТИЗИМИНИНГ** тегишли модулига ушбу Шартноманинг шартлари асосида тўсқинликсиз кириш имкониятига эга бўлиш.

5.2.3. **CLICK ТИЗИМИДАН** тўлиқ даражада, фақат ўз фаолияти доирасида, ушбу Шартноманинг шартларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш.

5.2.4. Унда бошқа Иштирокчилар билан молиявий, техникавий ва техникавий масалалар бўйича низоли вазиятлар юзага келган ҳолда, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни исталган пайтда тўхтатиш. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** бу ҳақда **БАНККА** тахминий тўхтатиб туриш санасидан 7 (етти) иш кунидан кеч бўлмаган муддатда ёзма хабарнома юбориб, ушбу Шартномада ўз иштирок этишини тўхтатиши мумкин.

5.2.5. Фрод аниқланган ҳолда, бошқа Томонни аввалдан ёзма хабардор қилмаган ҳолда, юзага келган вазият тартибга солингунча ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туриш.

5.3. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ БАНКДАН** сведений о Фойдаланувчилар тўғрисида ва улар томонидан **CLICK ТИЗИМИДА** амалга оширилган, ушбу Шартноманинг мазмунига тегишли бўлмаган Тўловлар тўғрисида маълумотларни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

6. **ТОМОНЛАРНИНГ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИ.**

6.1. **БАНК** ва **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** ҳар куни (иш кунларида, Online режимда) ва ҳар ойда **БАНК АБТ**, **CLICK ТИЗИМИ** ва **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** ўртасида **БАНК** томонидан **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** фойдасига қабул қилинган тўловлар юзасидан электрон солиштиришларни ўтказди.

6.2. Ҳар бир ой тугаган пайтидан кечи билан 5 (беш) иш куни ичида **БАНК** передаёт **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** ўз томонидан имзоланган Бажарилган ишлар далолатномасини ва ҳисоб-фактурани топширади (2-Илова).

6.3. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** 2 (икки) банк куни ичида тақдим этилган Бажарилган ишлар далолатномасини кўриб чиқади ва бирор-бир низолар бўлмаган ҳолда уни имзолайди.

6.4. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИДА** Бажарилган ишлар далолатномаси бўйича низолар мавжуд бўлганда, у ўз эътирозларини **БАНККА** 2 (икки) банк куни ичида тақдим этади.

6.5. **БАНК ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИДАН** Бажарилган ишлар далолатномаси бўйича эътирозларни олган кунидан бошлаб 2 (икки) банк куни ичида уларни кўриб чиқади. Тақдим этилган эътирозларга рози бўлган ҳолда, **БАНК** тақдим этилган эътирозлар ҳисобга олинган Бажарилган ишлар далолатномасини тайёрлайди ва **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** тақдим этади.

6.6. **БАНК ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** тақдим этган эътирозларга рози бўлмаган ҳолда, Томонлар ҳар бир томоннинг аъзоларидан иборат бўлган иш гуруҳини тузади, у 5 банк куни ичида Томонларнинг ҳар бирида мавжуд бўлган Бажарилган ишлар далолатномалари ҳақидаги маълумотларни ўрганиши ва солиштириши лозим.

7. **ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

7.1. Ушбу Шартноманинг доирасида кўрсатилган хизматлар учун, **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ БАНККА** **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** фойдасига қабул қилинган Тўловларнинг суммасидан _____% (_____ фоиз) миқдорда ҳақ тўлайди.

7.2. Ҳақ тўлаш **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** томонидан ҳар бир ҳисобот даври учун 6.2. – 6.3.-бандларга

мувофиқ, Бажарилган ишлар далолатномаси имзоланганидан кейин 5 (беш) банк кунидан кеч бўлмаган муддатда **БАНКНИНГ** ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

7.3. Хизматлар фақат Томонларнинг иккаласи Бажарилган ишлар далолатномасини имзолаганидан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

7.4. **БАНКНИНГ** ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлари бажарилган санаси, Бажарилган ишлар далолатномаси имзоланган санасидир.

7.5. Ҳақ тўлаш ва шунга мос ҳолда **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** томонидан ушбу Шартнома бўйича ўзининг ҳақ тўлаш мажбуриятларини бажариш санаси пул маблағларини **БАНКНИНГ** ҳисобварағига киритиш куни ҳисобланади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ТУГАТИЛИШИ

8.1. Ушбу Шартнома уни Томонлар имзолаган пайтидан бошлаб кучга киради ва 1 (бир) тақвим йили давомида амал қилади. Агар Томонлардан ҳеч бири ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугагининг санасидан 1 (бир) ой аввалги давр ичида ўзининг ушбу Шартномани бекор қилиш истагини билдирмаса, Шартнома ҳар бир кейинги тақвим йилига узайтирилади.

Бунда ушбу Шартнома **БАНКНИНГ СЛИСК ТИЗИМИ** учун Лицензиясининг амал қилиш муддати тугаган ёки **БАНК** ва **СЛИСК ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ЭГАСИ** ўртасида тузилган Лицензия шартномаси бекор қилинган кунда бекор қилинган деб ҳисобланади. Бу ҳолда, Томонлар ушбу Шартноманинг бекор қилиниши санасидан 15 тақвим куни ичида бир-бири билан барча ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириши лозим. Кўрсатилган муддат ичида ушбу Шартноманинг 4.1.4. –бандига мувофиқ кириш имконияти берилган **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** “Merchant” Модулидан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинади.

Ушбу Шартномага мувофиқ хизмат кўрсатиш бошланишининг санаси деб **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИ** **СЛИСК ТИЗИМИГА** улаш ва унга ушбу Шартноманинг 4.1.4.(2) –бандига мувофиқ тегишли Модулга кириш учун шахсий идентификациялаш маълумотлари берилган сана тан олинади.

8.2. Ушбу Шартнома томонлардан исталган бирининг ташаббусига биноан, бошқа Томонни ушбу Шартномани бекор қилишнинг тахминий санасидан 15 (ўн беш) тақвим куни аввал ёзма огоҳлантириш йўли билан бекор қилиниши мумкин. Ушбу Шартномани бекор қилишда Томонлар уни бекор қилишдан аввал қабул қилинган ушбу Шартнома бўйича барча мажбуриятларни бажаришни зиммасига олади.

8.3. Бирор-бир Томон ушбу Шартноманинг шартларини тегишлича бажармаса, ва ушбу бузилиш Томонлардан бирининг ёзма хабар қилган пайтидан бошлаб 15 (ўн беш) тақвим куни ичида тuzатилмаса, бошқа Томон иккинчи Томонга хабарнома юбориб, юқоридаги муддат тугаганда ушбу Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақлидир.

8.4. 8.1.(2) – 8.3. бандларида кўрсатилган исталган асослар бўйича ушбу Шартноманинг амал қилиши тугаганда Томонлар куйидагиларга мажбур бўлади:

- a. Ўз мажбуриятлари бўйича, мавжуд бўлса, тўловларни амалга ошириш;
- b. Ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномасини имзолаш.

8.5. 8.1.(2) – 8.3. бандларида кўрсатилган исталган асослар бўйича ушбу Шартноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисида барча хабарномаларни Томонлар ушбу Шартноманинг 13.7.-бандининг қоидаларига мувофиқ юборади.

9. МАХФИЙЛИК

9.1. Ушбу Шартноманинг доирасида ушбу Шартноманинг 3 – 7 бўлимларида кўрсатилган ахборот, ушбу Шартнома бажарилишининг бориши тўғрисида ахборот, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ банк сирини ташкил этган ахборот, Фойдаланувчилар ва Абонентлар тўғрисида ахборот (жумладан паспорт ва бошқа шахсий маълумотлар), шунингдек томонлар ўртасида зарур бўлганда тузилиши мумкин бўлган махфийлик ҳақидаги битимга мувофиқ махфий деб олинган ахборот махфий деб тан олинади.

9.2. Томонлар Сторони ушбу Шартноманинг 9.1.-бандида кўрсатилган ушбу Шартноманинг шартлари (куйида – махфий ахборот), ушбу Шартноманинг бутун амал қилиши муддати мобайнида, шунингдек унинг амал қилиши тугаганидан кейин 5 (беш) йил давомида тўлиқ махфий бўлиши кафолатлайди.

9.3. Томонлар улар томонидан йўл кўйилган ёки уларга маълум бўлган махфий ахборотнинг ошкор этилиши ёки ошкор этилишининг хавфи ҳолатлари ҳақида, учинчи шахслар томонидан ноқонуний олинishi ёки ноқонуний фойдаланиши ҳолати ҳақида бир-бирига зудлик билан билдириши шарт.

9.4. Томонлар бир томонлама тартибда ушбу Шартномада кўзда тутилган махфий ахборотни муҳофаза қилишни, шу жумладан фуқаролик қонунчилигига мувофиқ ўзи қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши ҳолатида тўхтатишга ҳақли эмас.

9.5. Махфий ахборотни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа ваколатли давлат органларининг

ва мансабдор шахсларнинг қонуний талабига асосан қўлланадиган қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда тақдим этиш махфийликнинг бузилиши деб ҳисобланмайди.

9.6. Ушбу органларга ва/ёки шахсларга махфий ахборот очиб берилган ҳолда махфий ахбороти очиб берган Томон махфий ахборот очиб берилган пайтидан бошлаб 2 (икки) иш кунидан кеч бўлмаган муддатда махфий ахборотнинг эгасини ёзма шаклда бундай ахборотнинг очиб берилиши ҳолати ва унинг мазмуни ҳақида, шунингдек махфий ахборот тақдим этилган органнинг номи ҳақида хабарнома беради.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

10.1. Ушбу Шартноманинг 7.2.-бандида кўрсатилган муддатнинг бузилиши учун, **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ БАНККА** ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун ҳисобот даври учун тўланиши лозим бўлган хизматлар ҳақи суммасидан 0,1% (фоизнинг ўндан бир қисми), лекин ҳақи суммасидан кўпи билан 10% (ўн фоиз) миқдорида пеняни тўлайди.

10.2. **БАНК** Фойдаланувчидан **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** товарлари/хизматлари/ишлари ҳақини тўлаш ҳисобига Тўлов қабул қилинган ва **БАНК** айби билан тегишли транзакция ўтказилмаган ёки тўғри/ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда, **БАНК ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** олдида жавобгар бўлади.

10.3. **БАНК ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** хизматлар/ишларни бажариши ва/ёки унинг товарларни сотиши муносабати билан юзага келадиган **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** ўз миқдорлари ва/ёки товарлари/хизматлари/ишларининг истеъмолчилари олдидаги мажбуриятлари бўйича, шунингдек **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** хизматлари/товарлари/ишлари сифати учун жавобгар бўлмайди.

10.4. **БАНК**, агар бундай бажармаслик Банкка боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра **CLICK ТИЗИМИДА**, **АБТ** ишлашида узилишлар ва носозликларнинг, банклараро электрон тўловлар тизимининг узилишлари, электр таъминот ва алоқа тармоқларининг ўчиши/бузилишининг оқибати бўлган ҳолда, ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик учун жавобгар бўлмайди.

10.5. **БАНК ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** миқдорларига/ товарлари/хизматлари/ишларининг истеъмолчиларига ёки бошқа томонларга **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ** тегишли ҳисоб тизимида ва/ёки веб-сайтларида узилишлар ва носозликлар юзага келгани сабабли етказилган зарарлар ва ноқулайликлар учун жавобгар бўлмайди.

10.6. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** Фойдаланувчиларга тўловни амалга оширишда **CLICK ТИЗИМИДА**, **АБТ** да ва/ёки **БАНК** Инфратузилмасида узилишлар ва носозликлар сабабли етказилган зарарлар ва ноқулайликлар учун жавобгар бўлмайди.

10.7. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** ушбу Шартноманинг 4.1.4.-бандига мувофиқ берилган шахсий идентификация маълумотлари ва/ёки махфий калитнинг нотўғри, ноқонуний ёки руҳсатсиз фойдаланиш, йўқотилиши, ошкор этилиши, ёки учинчи шахслар томонидан қалбакилаштирилиши оқибатида юзага келган эҳтимолий зарарлар учун **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ** мустақил тарзда жавобгар бўлади.

10.8. **ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** тўловларни нотўғри ва ўз вақтида бўлмаган киритилиши, тўловлар ҳақида нотўғри ёки ўз вақтида бўлмаган ахборотнинг берилиши, **CLICK ТИЗИМИНИНГ** ишлашида узилишлар, **CLICK ТИЗИМИГА** учинчи шахсларнинг руҳсатсиз кириши билан боғлиқ бўлган бирор-бир зарарлар етказилган ҳолда, **БАНК ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА** бундай зарарнинг бутун суммасини ўз ҳисобидан қоплаб бериш мажбуриятини зиммасига олади.

10.9. Жарима санкцияларини ва пеняни тўлаш Томонларни ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тегишлича бажаришдан озод этмайди.

10.10. Томонлардан ҳар бири ушбу Шартномани бажаришда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигининг талабларини бажариши шарт, ва бунинг учун ўзи мустақил тарзда жавобгар бўлади.

10.11. Ушбу Шартноманинг шартларида кўзда тутилмаган ҳолларда, томонларнинг ўз шартномавий мажбуриятларни бажармаслиги ёки тегишлича бажармаслиги учун жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг қўлланадиган қонунчилигига мувофиқ кўриб чиқилади.

11. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

11.1. Агар томонлар ўртасида ушбу Шартноманинг мазмуни бўйича низолар юзага келса, иккала томон уларни икки томонлама музокаралар йўли билан тартибга солиш учун барча чораларни кўриши шарт.

11.2. Томонлар келишувга эриша олмаган ҳолда, низолар Тошкент шаҳар Хўжалик суди томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ кўриб чиқирилиши ва ҳал этилиши лозим.

12. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

12.1. Томонлардан исталган бирининг ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажариши мумкин бўлмаган ҳолатлар юзага келганда, яъни: ёнғинлар, табиий офатлар, ҳалокатларда, блокада ҳолатида, ҳукуматнинг амалларида ва ушбу Шартноманинг бажарилишига тўсқинлик қилувчи томонларга

боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатларда, ушбу Шартноманинг бажарилиши муддати юқорида санаб ўтилган ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари таъсир этадиган вақтга мутаносиб тарзда кечиктирилади.

12.2. Агар ушбу Шартноманинг 12.1.-бандида кўрсатилган ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари 45 (қирқ беш) тақвим кунидан узоқроқ давом этадиган бўлса, у ҳолда томонлардан ҳар бири ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини кейинги бажаришдан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлади, ва бу ҳолда томонлардан ҳеч бири бошқа томоннинг эҳтимолий зарарларни қоплаб беришини талаб қилмайди.

12.3. Ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажара олмаслик ҳолати юзага келган Томон бошқа Томонни зудлик билан, бундай ҳолатлар юзага келган санасидан 10 (ўн) тақвим куни ичида бундай ҳолатлар юзага келгани ва ўз мажбуриятларининг бажарилиши тўхтатилгани ҳақида хабардор этиши лозим. Акс ҳолда форс-мажор ҳолатининг юзага келиши ҳолати шундай ҳолат деб ҳисобланмайди.

13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13.1. Ушбу Шартноманинг доирасида Томонлар ундан келиб чиқадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни тасдиқлаш, қонунчиликка мувофиқ электрон ўзаро муносабатлар орқали маълумотлар, аризаларни алмашиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда тегишли тарзда расмийлаштирилган электрон ҳужжатлар Томонлар тасдиқлаган қоғоз ҳужжатларга тенглаштирилади. Ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномаси ва Бажарилган ишлар далолатномаси, ҳисоб-фактуралар мажбурий тартибда ёзма тартибда тақдим этилади (Томонлар қоғоз ташувчиларида имзолайди).

13.2. Томонлар ушбу шартномани тузишга қонуний ваколатлари борлиги ва ушбу Шартномани тузган шахслар кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширишга барча ҳуқуқларига эга эканлигини тасдиқлайди.

13.3. Бўлимларнинг номланиши қулайлик учун мўлжалланган бўлиб, шартномани талқин этиш учун қўлланмайди.

13.4. Шартномада ишлатиладиган атамалар бирлик сонидан ҳам, кўплик сонидан ҳам ва аксинча бир хил тарзда қўлланади.

13.5. Ҳар қандай ҳужжатларга, ҳуқуқий ҳужжатларга ёки келишувларга ҳаволалар: (1) барча қўшимчалар ва иловаларни ўз ичига олади; (2) мавжудларини алмаштириш учун тузилган барча ҳужжатларни, ҳуқуқий ҳужжатларни ва келишувларни ўз ичига олади ва (3) ўзгартирилган ва қўшилган ҳолдаги бундай ҳужжатларни, ҳуқуқий ҳужжатларни ва келишувларни билдиради.

13.6. Шартномага барча иловалар ва қўшимчалар, уларда бу ҳақда кўрсатилган ҳолда, Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

13.7. Томонлар 7 (етти) тақвим кунидан кеч бўлмаган муддатда ўзининг юридик ёки ҳақиқий манзили, банк реквизитлари ва электрон почтаси манзиллари ўзгарганлиги ҳақида бир-бирини хабардор этиш мажбуриятини зиммасига олади.

Ушбу шартномага мувофиқ ёки у билан боғлиқ ҳолда юбориладиган барча хабарномалар ва хабарлар Шартномада кўрсатилган электрон почта манзилларига ва / ёки ёзма шаклида юборилиши лозим, ва агар электрон почтада етказилиши ҳақида хабар олинган бўлса ёки, агар улар ушбу Шартномада кўрсатилган манзиллар бўйича топшириш тўғрисида хабарнома билан бунортма хати орқали юборилган бўлса ёки шахсан топширилган бўлса, тегишлича топширилган деб ҳисобланади.

Электрон почта орқали хабарларни алмашиш фақат хабарни олган Томондан унинг ўқилганлиги ҳақида тегишли тасдиқлаш олинганидан кейин амалга оширилган деб ҳисобланади.

13.8. Шартнома билан тартибга солинмаган қисмида Томонларнинг муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

13.9. Ушбу Шартнома имзоланган санасидан бошлаб, ушбу шартномада айтиб ўтилган барча аввалги келишувлар ва тузилган шартномалар ўз юридик кучини йўқотади.

13.10. Шартномага барча қўшимчалар ва ўзгартиришлар фақат улар ёзма шаклда тузилган ва бунга ваколатланган барча Томонларнинг вакиллари томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқий бўлади.

13.11. Шартнома Томонлардан ҳар бири учун бир нусхадан, тенг юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилган.

14. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

БАНК

ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ

Манзили:

х/в:

банк:

МФО:

СТИР: ОКОНХ:

Е-mail:

Тел.:

факс:

М. Ў.

«__» _____ 2015 й.

Манзили:

х/в:

банк:

МФО:

СТИР: ОКОНХ:

Е-mail:

Тел.:

факс:

М. Ў.

«__» _____ 2015 й.

ТЕХНИК ЎЗARO АЛОҚАЛАР ТАРТИБИ

1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

- 1.1. «Терминал» – SLICK ТИЗИМИНИНГ маълумот маркази билан алоқанинг масофадаги нуқтаси (мобил телефон, шахсий компьютер, ёки бошқа шунга ўхшаш мосламалар), Банк унинг ёрдамида “BCS” Модулидан фойдаланиш йўли билан SLICK Хизмати Интерфейслари орқали тўловларни қабул қилади.
- 1.2. «SLICK ТИЗИМИНИНГ Интерфейслари» – SLICK ТИЗИМИНИНГ дастурий-аппарат воситаларининг визуал қисми, уларнинг ёрдамида Фойдаланувчи БАНКДАГИ ўз ҳисобварағини бошқаради, буларга Мобил веб-интерфейс, Веб-интерфейс, ва USSD/SMS-порталлар киради.
- 1.3. «SLICK ТИЗИМИНИНГ маълумот маркази (ММ)» - SLICK ТИЗИМИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ЭГАСИ томонидан маъмурлаштирилладиган, тизимнинг функцияларини таъминлайдиган SLICK ТИЗИМИНИНГ марказий бўғими.
- 1.4. «“BCS” Модули» - БАНККА топширилладиган ва БАНК АБТ га киритилладиган SLICK ТИЗИМИНИНГ дастурий ва аппарат воситалари. “BCS” Модули SLICK ТИЗИМИНИНГ бошқа Модуллари билан ўзаро алоқада бўлганда БАНККА ўз мижозларига масофадан банк хизматларини кўрсатиш имконини беради.
- 1.5. «Транзакция» – Тўловни ўтказиш бўйича ўзаро боғлиқ амалларнинг кетма-кетлиги, улар Терминалдан бошланади, SLICK ТИЗИМ орқали БАНК АБТ га ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА узатилади ва аксинча йўналишда ҳам узатилиб, Терминалда яқунланади, ҳамда яхлит бир бутун ҳаракат сифатида қаралади.

2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 2.1. Ушбу Илова Томонлар ўртасида ушбу Шартнома бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида техник ўзаро алоқаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро ҳаракатларни ва мажбуриятларни белгилаб беради.
- 2.2. Ушбу Шартномани бажаришда Томонлар ахборот алмашишни электрон хужжатларни ушбу Иловада белгиланган форматда ва каналлар бўйича юбориш йўли билан амалга оширади.
- 2.3. Ушбу Иловага барча қўшимчалар ва ўзгартиришлар фақат улар ёзма шаклда тузилган ва бунга ваколатланган иккала Томонларнинг вакиллари томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқий бўлади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Томонлар Стороны признают ва согласны, что получение любых документов в электронной форме, удовлетворяющей настоящему Порядку, юридически эквивалентно получению соответствующих документов на бумажных носителях, оформленных традиционным образом.
- 3.2. Стороны обязуются предпринять все меры для предотвращения несанкционированного доступа к программному ва аппаратному обеспечению, используемому для проведения электронного документооборота ушбу Шартнома бўйича.
- 3.3. Ушбу хужжатлар айланишини таъминлаш учун зарур бўлган маълумотларга рухсатсиз кириш ҳақидаги шубҳа туғилган ҳолда, Томон Шартномани бажариш бўйича операцияларни пзудлик билан тўхтатиш мажбуриятини зиммасига олади. Бу ҳолда Томон юзага келган вазият ҳақида бошқа Томонни телефон, электрон почта орқали ёки бошқа бирор усулда огоҳлантиришни зиммасига олади. Шунингдек, кейинги иш кунидан кеч бўлмаган муддатда, Томон ёзма шаклда хабарномани юборишни зиммасига олади.
- 3.4. Томонлар бир-бирига жиҳоз-усқуналар профилактикаси ва техник кўрик ишлари ҳақида, агар ушбу тадбирлар бошқа Томон усқуналарининг ишлашига таъсир этиши мумкин бўлса, билдириши шарт.
- 3.5. Ушбу Тартибнинг 3.4.-бандида кўзда тутилган тадбирлар ҳақида хабар ушбу тадбирлар бошланишидан камида бир иш кунни аввал юборилиши лозим.
- 3.6. Кўзда тутилмаган техник носозликлар юзага келганда, масъул Томон бошқа Томонни тез алоқанинг исталган усулларида фойдаланиб, дарҳол хабардор этиши керак, техник носозликлар эса шундай носозликлар юзага келган кунидан бошлаб бир иш кунни давомида бартараф этилиши лозим.
- 3.7. Носозликлар бир иш кунни ичида бартараф этилмайдиган бўлса, масъул Томон юборилган хабарида уларни бартараф этиш муддатини кўрсатиши лозим.

4. ТРАНЗАКЦИЯНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

- 4.1. Транзакция куйидаги тартибда амалга оширилади:

- 4.1.1. Фойдаланувчининг электрон буюртмаси ММ га CLICK ТИЗИМИНИНГ интерфейслари оркали узатилади.
- 4.1.2. ММ ўз навбатида электрон тўлов хужжатини шакллантиради ва уни “BCS” Модулининг асбоблари билан БАНК АБТ га юборади.
- 4.1.3. Ушбу электрон тўлов хужжати асосида БАНК автоматик равишда Фойдаланувчининг ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқаради.
- 4.1.4. Шундан кейин, Банк “BCS” модули ва ММ ёрдамида Фойдаланувчига маблағлар ҳисобдан чиқарилиши натижаси ҳақида хабар юборади ва ушбу жараён Терминалда тугайди. Ушбу бандда кўрсатилган жараёнларнинг ҳаммаси ТИЗИМИНИНГ Тўловни амалга оширишда яхлит бир бутун ҳаракати деб қаралади.
- 4.2. Терминалдан ММ гача маълумот узатиш ушбу Томонларнинг техник ўзаро алоқалари тартибига тегишли бўлмайди.
- 4.3. Тўлов ҳақида ахборот ММ дан ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА CLICK ТИЗИМИНИНГ тегишли модули оркали узатилади.
- 4.4. CLICK ТИЗИМИ тўлов ҳолатини тасдиқловчи ахборотни қайтиб олган ҳолда Транзакция муваффақиятли ўтган, Тўлов қабул қилинган деб ҳисобланади.
- 4.5. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИДА Фойдаланувчини идентификациялаш мумкин бўлмаганда ёки техник бузилишлар бўлганда, CLICK ТИЗИМИ Транзакцияни ўтказишда хатолик ҳақидаги ахборотни беради, Тўлов қабул қилинмай қолади.

5. МАСЪУЛИЯТ ЗОНАЛАРИ

- 5.1. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ тегишли ҳисоб тизимига кириш имконияти ва ушбу тизим билан акс алоқа мавжудлиги Доступность соответствующей учетной системы наличие обратной связи от данной системы входит в зону ответственности ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ масъулият зонасига киради.
- 5.2. Исправное функционирование CLICK ТИЗИМИНИНГ соз ишлаши, шу жумладан ахборотни юбориш функцияси, ММ нинг ишлаши ва ММ дан ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ тегишли ҳисоб тизимигача ахборот узатиш БАНКНИНГ масъулият зонасига киради.
- Бунда ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА CLICK ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ЭГАСИ ўз мажбуриятларини тегишлича бажармаслигининг оқибатида CLICK ТИЗИМИНИНГ тегишлича ишламаслиги билан боғлиқ бўлган бирор-бир зарар етказилиши ҳолатида, БАНК ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИГА бундай зарарнинг бутун суммасини ўз ҳисобидан қоплаш мажбуриятини зиммасига олади.
- 5.3. Тўловлар тизимининг Серверини ва ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ ЭҲМ ни ёки ЭҲМ серверини бирлаштирувчи алоқа каналининг ишлаши Томонларнинг жиҳоз-ускуналари жойлашган хонанинг чегараларигача доирасида иккала Томоннинг масъулият зонасига киради.
- Бунда Томонлар ушбу ишламаслик ёки тегишлича ишламаслик учинчи шахсларнинг ўз мажбуриятларини тегишлича бажармаслигининг оқибати бўлган ҳолда алоқа каналининг йўқлиги, ишламаслиги ёки тегишлича ишламаслиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

БАНК

ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ

М. ў.

М. ў.

20__ й. «__» _____ даги
№ _____ -сони Шартномага
2-ИЛОВА

№ _____ -сонли
Бажарилган ишлар далолатномаси
20__ йилнинг _____ ойи учун.

Қуйида «БАНК» деб номланувчи _____ номидан
_____ асосида иш юритувчи _____, бир
томондан, ва куйида «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб номланувчи
_____ номидан _____,
асосида иш юритувчи _____, иккинчи томондан, 20__ й. __ даги № _____ -
сони Шартномага мувофиқ, 20__ йил _____ да БАНК Фойдаланувчилардан ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ
фойдасига сотилган/кўрсатилган товарлари/хизматлари учун амалга оширилган Тўловларни ўтказишни
таъминлаш хизматларини кўрсатганлиги тўғрисида ушбу Далолатномани имзоладилар.

БАНК томонидан 20__ йилнинг _____ ойда, Фойдаланувчилардан қабул қилинган ва ЕТКАЗИБ
БЕРУВЧИНИНГ _____ ҳисобварағига ўтказилган Тўловлар _____
(_____) сўм _____ тийин.
(ёзма шаклда суммаси)

Банк ҳақи _____ (_____) сўм _____ тийин.
(ёзма шаклда суммаси)

Ушбу ҳужжат билан Томонлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан бир-бирига
ҳеч қандай эътирозлари йўқлигини тасдиқлайди

БАНК

ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ

М.Ў.

М.Ў.

20__ й. "___" _____ даги

ҲИСОБ-ФАКТУРА-ЮКХАТ № _____

20__ й. "___" _____ даги

№ _____ -сонли товар-юклаб жўнатиш ҳужжатларига

Етказиб берувчи:

Манзили:/почт.инд./ _____

Х/в

Банк

Етказиб берувчининг Идентификация рақами
(СТИР) _____ тел: _____

ОКОНХ _____

Олувчи:

Манзили:/почт.инд./ _____

Х/в

Банк

Олувчининг Идентификация рақами
(СТИР) _____ тел: _____

ОКОНХ _____

Хизматлар номи	Ўлчов бирл.	Сони	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		ҚҚС ни ҳисобга олганда етказиб бериш қиймати
					ставка	сумма	
Жами тўланади							

Раҳбари

Бош бухгалтер

М.Ў.

Товарни берди

(Етказиб берувчининг масъул шахси имзоси)

Олди _____

(харидор ёки масъул вакилининг имзоси)

20__ й. _____ даги № _____ -сонли
ишончнома бўйича

(Олувчи Ф.И.Ш.)

2015 й. «_____» _____ даги
№ _____ -сони Шартномага
3-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»
БАНКНИНГ Рахбари

«Тасдиқлайман»
ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ Рахбари

М. Ў.

М. Ў.

«_____ хизматлари учун тўловларни қабул қилиш»
сервисининг техник тайёрлиги далолатномаси

Ўтказиш санаси:

Тест рақами:

Тест ўтказиш тартиби: Тест шахсий ҳисобварақларга тўловларни ўтказиш

№№	Амаллар	Кириш кўрсаткичлари	Чиқиш маълумоти
1	Тўловни тайёрлаш	Фойдаланувчи ID сумма	Натижаси: муваффақиятли ABS ID
2	Тўловни ўтказиш	Фойдаланувчи ID сумма ABS ID	Натижаси: муваффақиятли

- Интерфейс ишлай олади.
- БАНК барча операцияларни Техник ўзаро алоқалар тартибига мувофиқ бажаради.
- Томонларнинг ўзаро эътирозлари йўқ.

ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИНИНГ Вакили _____

БАНКНИНГ Вакили _____

2015 й. « _____ » _____ даги
№ _____ -сонли Шартномага
4-ИЛОВА

**“Merchant” Модулидан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши учун
АРИЗА**

№1, 20 _____ й. « _____ » _____

1.

(Банк номи)

(Банк номи)

ва

_____ (“Merchant” Модулидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш лозим бўлган юридик шахс – Етказиб берувчининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли)
ўртасида тузилган 2015 й. « _____ » _____ даги № _____ -сонли Тўловларни қабул қилиш Шартномаси асосида,

_____ га “Merchant” Модулидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни сўрайди.
_____ (“Merchant” Модулидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш лозим бўлган юридик шахс – Етказиб берувчининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли)

2. Етказиб берувчининг юридик манзили: _____
(“Merchant” Модулидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш лозим бўлган юридик шахс манзили)

3. Етказиб берувчининг реквизитлари:
i) Етказиб берувчи х/в:
ii) Етказиб берувчи Банкининг МФО рақами:
iii) Етказиб берувчининг СТИР рақами:
iv) Етказиб берувчининг ОКОНХ коди:
v) Тўловнинг мақсади: _____ -сонли {дата} даги шартнома бўйича товарлар ва хизматлар _____ учун тўлов.
(ЎзР БҲМС га мувофиқ CLICK Хизмати доирасида унга Тўлов амалга ошириладиган Етказиб берувчининг товари/хизматининг номи)
vi) Тўлов коди: _____
(ЎзР БҲМС га мувофиқ CLICK Хизмати доирасида Фойдаланувчига сотиладиган/тақдим этиладиган товар/хизмат/иш учун Етказиб берувчининг Тўлови мақсадининг коди)

vii) Фаолият тури:

4. Етказиб берувчининг Веб-сайт(лар)и (агар қўлланиладиган бўлса): _____
(Улар орқали Етказиб берувчининг товарлари/хизматлари сотиладиган Етказиб берувчи Веб-сайт(лар)ининг Интернетдаги манзили)

5. Етказиб берувчининг Биллинг тизимининг Техник хусусиятлари (агар қўлланиладиган бўлса): _____

Почта орқали support@click.uz га юборилган

Ушбу ҳужжат билан Аризачи ушбу Буюртмада кўрсатилган барча маълумотлар тўғри, аниқ ва Етказиб берувчи билан келишилган эканлигини тасдиқлайди.

**Аризачи
Банк-лицензиат**

**Етказиб берувчи
билан келишилган**

Имзо

М.Ў.

Имзо

М.Ў.